

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Махкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аббор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

1. Валишер Элмуродович Абиров ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА МУНОЗАРА.....	5
2. Жалолиддин Тухташевич Аннаев ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРМИТА-ТЕРМИЗДА БУДДАВИЙЛИК.....	13
3. Феруза Парходовна Атамуратова ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА ТАРМИТА-ТЕРМИЗ.....	21
4. Мунаввар Абдурашид қизи Атамирзаева МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ.....	28
5. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ЎЗБЕКИСТОН ШИФОБАХШ ЖОЙЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯЛАР ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ....	35
6. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ТУРКИСТОН ТАБИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....	40
7. Дилафруз Аҳмедова Хусан қизи МАКТУБЛАР МАНБА СИФАТИДА.....	46
8. Oхunjon Axmat o'g'li Boboqulov MUSTAQIL KONGO DAVLATINING SSSR BILAN DIPLOMATIK ALOQALARI (davriy matbuot gazetalari tahlili asosida).....	53
9. Феруза Хаятовна Бобожонова БУХОРОДА МАКТАБ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИ (XIX АСР ОХИРИ-XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ).....	58
10. Omon Olimjonovich Gadayev MUSTAQILLIK YILLARIDA SAMARQAND VILOYATINING DEMOGRAFIK TARIXI.....	65
11. Дилорам Зияева МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎРТА АСРЛАРДА ЮЗ БЕРГАН УЙҒОНИШ. ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	71
12. Farxod Sobirovich Ziyayev TURKISTONDA MUSTABID SOVET TUZUMIGA QARSHI QUROLI HARAKAT.....	77
13. Ubaydulla Mamat o'g'li Ismoilov SUYURLITEPA YODGORLIGI O'RNIDAGI SHAHARNING TARIXIY NOMI XUSUSIDA MULOHAZALAR.....	84

14. Baxtiyor Safarovich Nazirov JADID VAKILLARINING AHOLINI SOG‘LOMLASHTIRISH BORASIDAGI QARASHLARI.....	109
15. Рустам Абдуваид ўгли Неъматов ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА ХОРАЗМ ВОҲАСИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	114
16. Дилорам Сангирова ЎРТА АСР ДАВЛАТЧИЛИК РАМЗЛАРИ СЎЗ ВА ТАСВИРДА.....	120
17. Lyudmila Mixaylovna Sokolova ANDIJON, NAMANGAN, FARG‘ONA VILOYATLARIDAGI HUNARMANDLAR USTOZIGA BAG‘ISHLANISH MAROSIMINING IBTIDOSI HAQIDA.....	130
18. Фазилат Нормуродовна Тургунова СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	142
19. Баходир Босимович Тўйчибоев ҚОЯТОШ ЁДГОРЛИКЛАРНИ САҚЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ MASALALARI ХУСУСИДА.....	147
20. Раъно Нортўхтаевна Тўхтаева ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН Кейинги ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ...154	154
21. Dilshod Inomjon o‘g‘li To‘xtasinov NORIN VA QORADARYO ORALIG‘I HUDUDLARINING MANBASHUNOSLIK TAHLILI VA UCHTERA-2 YODGORLIGINING ARXEOLOGIK JIHATDAN O‘RGANILISHI.....	159
22. Mansur Xayrullayevich Fayzullayev XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИГА ДОИР MASALALARНИ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	170
23. Rashid Mamatkulovich Xolmurodov TARIXIY O‘LKASHUNOSLIK FANINI O‘RGANISHDA SHAROF RASHIDOV MUZEYI MANBALARIDAN FOYDALANISH.....	177
24. Tuyg‘un Rajabovich Ernazarov TURKISTON GENERAL GUBERNATORLIGIDA BOJXONA XIZMATINING TASHKIL ETILISHI VA UNING FAOLIYATIDAN LAVHALAR (Rossiya imperiyasi va Xitoy aloqalari misolida).....	182
25. Бахтиёр Эргашевич Юлдашев, Светлана Владимировна Темирова ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ МУҚАДДАС КИТОБИ “АВЕСТО”ДА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАР.....	187
26. Алишер Яркулов АРХЕОЛОГИЯ МЕРОСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ТУРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ ХУСУСИДА.....	195
27. Abdurahmonova Nodiraxon Xusnutdinovna HUQUQIY MADANIYAT VA DEMOKRATIYA: IJTIMOIIY FALSAFIY YONDASHUVLAR VA KONSEPSIYALAR.....	202



Дилафруз Ахмедова Хусан қизи,
ЎЗР ФА, Тарих институти таянч докторанти
e-mail: dili1111@mail.ru

МАКТУБЛАР МАНБА СИФАТИДА

For citation: Dilafruz Akhmedova, LETTERS AS A SOURCE. Look to the past. 2023, Special issue 1, pp.46-52

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8072201>

АННОТАЦИЯ

Мақолада дипломатика соҳасининг тармоғи – эпистолография (хат ва мактубларни ўрганиш) йўналишига доир маълумотлар ўрин олган. Давлатчилигимиз тарихидаги “Хонликлар даври” номи билан муомалага кирган давр ёзишмалари Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонлиқларининг ўзаро алоқалари тарихини ёритишга ёрдам беради. Мангит, Қўнғирот ва Минг сулолаларининг ўзаро алоқаларининг тарихини ўрганишда мактублар манба сифатида аҳамиятга эга. Мактублар бир томоннинг иккинчи томонга ёзма равишда қилинган мурожаати ҳисобланади. Унда бир ёки бир неча воқеа- ҳодиса тафсилотлари хабар орқали маълум қилинади. Мактублар вазифасига кўра, бир неча турларга бўлинади. ЎзМА фондларида сақланаётган расмий ҳужжатларнинг аксари қисми ҳукмдор ва давлат амалдорлари ўртасида битилган мактублар саналади. Мактуб матни муншийлар томонидан тайёрланган. Хонликлар даври тарихининг сиёсий-иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида мактублар бирламчи манба сифатида маълумот беради.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё хонликлари, эпистолография, архив, мунший, мактуб, тарассул, муншаот, халқаро ёзишма, протокол, эсхотокол, девонбеги, қушбеги, агентура

Дилафруз Ахмедова Хусан қизи,
Базовый докторант института истории
Академии наук Узбекистана
e-mail: dili1111@mail.ru

ПИСЬМА КАК ИСТОЧНИК

АННОТАЦИЯ

В статье содержатся сведения о области дипломатики – области эпистолографии (изучение писем и писем). Периодическая переписка в истории нашей государственности под названием «Эпоха ханств» способствует освещению истории взаимоотношений Бухарского эмирата, Хивинского и Кокандского ханств. Письма имеют значение в качестве источников для изучения истории взаимоотношений династий Мангит, Кунгират и Мин. Письма являются письменным обращением одной стороны к другой. Подробности одного или нескольких событий сообщаются сообщением. В соответствии с задачами письма делятся на несколько видов. Большая часть официальных документов, хранящихся в фондах УИС, перечисляет

письма, составленные между правителями и государственными чиновниками. Текст письма подготовлен пользователями. Письма о политико-экономической и культурной жизни периода ханств информируют как первичный источник.

Ключевые слова: эпистолография, архив, письмо, ханства Средней Азии, тарассул, муншаат, международная переписка, протокол, есхотокол, диванбеги, кушбеги, агентские сообщения

Dilafruz Akhmedova,
Basic doctoral student of Institute
of History of the Academy of
Sciences of Uzbekistan
e-mail: dili1111@mail.ru

LETTERS AS A SOURCE

ABSTRACT

The article contains information about the field of diplomacy – the field of epistolography (study of letters and letters). Periodic correspondence in the history of our statehood called "The Age of the Khanates" contributes to the coverage of the history of the relationship between the Bukhara emirate, the Khiva and Kokand Khanates. The letters have implications as sources for studying the history of the Mangit, Kungirat and Ming dynasties' relationships. Letters are a written appeal from one side to the other. Details of one or more events are reported by the message. According to the tasks, letters are divided into several types. Most of the official documents held by the UIS funds list letters drawn up between rulers and government officials. The text of the letter was prepared by users. Letters on the political, economic and cultural life of the khanate period are informed as the primary source

Index Terms: epistolography, archive, letter, khanates of Central Asia, tarassul, munshaat, international correspondence, protocol, eskhotokol, divanbegi, kushbegi, agency messages

1.Долзарблиги:

Мактубларни тарихий манба сифатида ўрганиш муҳим. Ўрта асрлар даврида мактублар алоқа воситаси бўлиб қилган. Бир манзилдан иккинчи манзилга маълумот ёки хабар ёзма равишда етказилган. Ўрта аср ёзма битикларининг аҳамияти шундаки, унда бирон-бир тарихий воқеа билан боғлиқ жараёнлар акс этган бўлади. Икки томон (хабар юборувчи ва уни қабул қилувчи)нинг воқеа-ҳодисаларга муносабати мактуб орқали билдирилган. Мактублар ҳукмдордан ҳукмдорга, амалдордан амалдорга ёки бирон тарихий шахсларга ёзилган бўлади. Мактублар вазифасига кўра, бир неча турларга бўлинади. Мактубларнинг тарихий манба сифатида аҳамияти шундаки, унда тарихий сана қайд этилган бўлиб, мактуб йўлланилаётган ва қабул қилаётган томон манзили аниқ кўрсатилади. Унда ҳукмдор шахси ва унинг фаолияти билан боғлиқ эпитет сифатлар келтирилади. Шунингдек, мактубда давлат лавозимида фаолият юритган амалдорлар фаолияти ҳақида ҳам сўз юритилади. Ёзишмалар тарихий манба сифатида ўрганилаётган давр сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти очиқ беришга хизмат қилади.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолани тайёрлашда тарихий мактубларни аниқлаш, уларни туркумлаш, манба маълумотларини бир-бири билан солиштириш, сифат ва миқдор жиҳатидан уларни таҳлил қилиш усулларида фойдаланилди.

Манбашунослик соҳасида Б.А. Аҳмедов, Т.С. Саидкулов томонидан ёзилган ўқув услубий нашрлар ҳозирги кун қадар назарий жиҳатдан фундаментал тадқиқот вазифасини ўтаб келмоқда [2]. А. Мадраимов, Г. Фузаиловаларнинг манбашунослик фани ва унинг методологик асосларига оид қўлланмаси манбаларни ўрганиш ва улардан фойдаланишнинг усуллари ўргатишга ёрдам беради [6.10]. Ўрта аср ҳужжатшунослик масалаларига оид О.Д. Чехович, Б.А. Казаков ва яна бир қанча олимлар асарларида хат-ҳужжатнинг турлари, улар

билан ишлаш йўриқлари кўрсатиб ўтилган [17]. Хонликлар даври дипломатик муносабатлар бўйича бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, Д. Валиева, Н. Полвонов, Ф. Отахонов, М. Мубинов, С. Исроилов, Н. Аллаева, Г. Султоноваларнинг изланишлари шулар жумласига киради [3]. Уларнинг тадқиқотлари ёзма манбалар асосида ёритилганлиги билан аҳамиятлидир. Ваҳоланки, ушбу хонликлар ўртасидаги дипломатик ёзишмалар алоҳида комплекс тарзда ўрганилмаган. Шу боис, мактубларни манба сифатида ўрганиш асосий мақсад қилиб олинди.

3.Тадқиқот натижалари:

Эпистолография (мактублар билан ишлаш) дипломатика соҳасининг тармоқларидан бири саналади [18, 236]. Хабар етказувчи мактублар манба сифатида муҳим аҳамиятга эга [6,14]. Мактубларни ўрганишда тарих илмининг палеография, сфрагистика соҳалари ютуқларига таяниб иш кўриш мақсадга мувофиқ. Палеографик жиҳатдан мактубни ўрганиш, хат қоғозининг сифатини ва ундаги ёзувларнинг шаклини аниқлаштиришга ёрдам беради. Масалага сфрагистик жиҳатдан ёндошув бевосита мактубга босилган муҳр эгасининг номи ва унга берилган ваколатларни кўрсатиб беради. Мактубот соҳасини ёндош фанлар билан биргаликда ўрганиш мактублар ҳақида билимларни кенгайтириб, унинг асл моҳиятини англашга ёрдам беради. Ўрта аср мактублари хатининг шаклидан, ҳажмидан қатъий назар, алоқа воситаси вазифасини бажарган.

Мавзуни ўрганиш доирасида бир қанча тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да бироқ, Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларининг ўзаро алоқалари тарихига оид Ўзбекистон Миллий архивида [11], Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондларида [7] сақланиб келинаётган мактублар тўлиқ равишда тадқиқот доирасига тортилмаган. Олиб борилган изланишлар натижаси, мактубларни ўрта аср давр тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Хонликлар даври ёзишмаларини ўрганишда аввало, ёзишма турларини аниқлаб олиш зарур. Ўрта аср дипломатикасида ёзишмалар махсус тарассул ёки муросалат деб номланган жанрда ёзилган [9,94]. Мактублар вазифасига кўра, муншаот, мактубот, иншо, нома каби номлар билан юритилган. Хонликлар ўртасидаги ёзишмалар халқаро, маҳаллий ва шахсий ёзишма турларига бўлинганлиги билан хусусиятланган [9,97].

Халқаро ёзишмалар саройининг энг нуфузли котиблари ва муншийлари томонидан чиройли ҳуснихатда, сифатли қоғозларга форсий ва туркий тилларда битилган. Расмий ҳужжатларни ўрганишнинг методикаси [5] мактубларни муқаддима (протокол), асосий қисм ва хотима (эсхотокол) қисмлардан ташкил топганлигини кўрсатади [4,56]. Ўзбекистон Миллий архивининг И-125 жамғарма остидаги “Хива хонлиги девонхонаси”даги мактуб намуналари юқоридаги сингари қисмлардан иборат бўлган. Мактубларда: Ўрта Осиё хонликларининг сиёсий ва ижтимоий ҳаёти, хонликларининг ўзаро алоқалари, минтақда содир бўлаётган воқеалар ва Россия империясининг босқинчилик ҳаракатларига оид маълумотлар мавжуд. Турли мавзу ва йўналишдаги ушбу мактублар тарихий воқеликнинг тўлиқ манзарасини чизиб беролмайди [1,33]. Уларни батафсил ўрганиш учун даврнинг турдош манбаларига мурожаат этиш лозим.

Турли мавзуларга оид ҳужжатларни миқдор ва мазмун (контент-таҳлил) жиҳатидан саралаб олиш амалий манбашуносликнинг муҳим вазифалари саналади. “Хива хонлиги девонхонаси” жамғармасида Хива, Бухоро ва Қўқон хонликлари алоқаларига оид 200 яқин мактублар сақланади, албатта бундай рақамлар тадқиқотнинг миқдорий тузулмасини кўрсатиб беради. Ҳужжатларни сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва дипломатик қисмларга ажратиб олиш орқали мавзуни мазмунан ёритиш мумкин. Ўрганилаётган ҳужжатлар орасида ҳукмдорлар ўртасида ва махсус вакиллар томонидан ҳукмдорларга юборилган мактублар мавжуд бўлиб, улар жамғарманинг аксар қисмини ташкил этади.

Ўрта асрлар мактуб ёзиш анъанасига кўра, ҳукмдорлар ўртасида ёзилган мактубларда хабардан кўзланган мақсад тўлиқ равишда ифода этилмагани кўзга ташланади. Табиийки, хабарларнинг хавфсизлиги таъминлаш мақсадида хабар мазмуни хатни етказувчи элчининг сўзи орқали маълум қилинган. Яширин мазмундаги хатлар давлатлар ўртасидаги алоқаларни

таъминлашга хизмат қилишни англатса-да, махфийлик ҳолати тадқиқотчига етарли даражада кийинчилик туғдиради. Мактубнинг мазмунини билиш учун иккинчи турдаги яъни махсус вакиллар ёки жосуслар томонидан қолдирилган хабарларга таяниб иш кўриш, масаланинг ечимига ёрдам беради.

Архив ҳужжатларининг хронологик даври XIX асрнинг 40-70 йилларини ўз ичига олади. Хива ва Бухоро хонликлари муносабатларини ёритувчи мактублар мавзу доирасидан келиб чиқиб қуйидагича таснифланади: 1) ҳукмдорлар ўртасида ёзилган мактублар, 2) Хива хонлиги девонбеги, қушбеги ва меҳтар оғасига Бухоро ҳудудидаги вакиллар томонидан юбирилган мактублар 3) агентура хабарлари 4) Абдумалик Тўранинг озодлик ҳаракатига доир мактублар 5) Бухоро ва қўшни ҳудудларда содир бўлаётган сиёсий жараёнлар ҳақида Хива хонлигига ёзилган мактублар 6) Хива ва Бухоро ҳудудларида аҳолининг иммиграция масаласига оид мактублари 7) Хива ва Бухоро хонлиги ҳудудларида “қўзғолончилик ва оломончилик” фаолияти тўғрисидаги хатлар.

Шунингдек, Хива хонлигининг Қўқон хонлиги билан ўзаро муносабатларига доир хатлар йиғиндиси ҳам архив ҳужжатлари йиғмасида ўрин олган. Улар: 1) ҳукмдорлар ўртасидаги ёзишмалар 2) Хива хонлиги вакиллари томонидан Қўқондаги вазиятлар ҳақидаги мактублар 3) Хива хонлигида яшовчи қўқонликларнинг Хива хонидан моддий ёрдам сўраб ёзган мактублари 4) Хива ва Қўқон хонликлари ўртасидаги муносабатларда элчиларнинг вазифалари хусусидаги хатлардан иборат.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, ҳукмдорлар ўртасидаги ёзишмалар асосан халқаро аҳамиятга эга бўлиб, моҳир хаттотлар томонидан ёзилган. Мактубнинг мукаддима қисмида ҳукмдорларга алқов эпитети ва мақтовлар ёзилганлигини кузатиш мумкин. Мактубда хусусан адресат ўртасидаги ёзишмаларда “тоғамиз”, “биродаримиз”, “инимиз” каби сўзларнинг келиши, уларнинг қон-қариндошлик ёки яқин қўшничилик муносабатларини англатади. Архив фондларида ҳукмдорлардан Хива хонлари Раҳимқулихон (1842-1846), Муҳаммад Аминхон (1846-1855) Саййид Муҳаммадхон (1856-1864), Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1910) нинг Бухоро амирлари Насруллохон (1827-1860), амир Музаффар (1860-1885) лар билан олиб борган ёзишмалари мавжуд [13]. Шулар орасида Хива хони Саййид Муҳаммадхонга Қўқон хони Султон Саййид Муҳаммад (1863-1865) нинг юборган хати чиройли дастхати ҳамда мактуб қоғозининг сифати аълолиги билан ажралиб туради. Мукаддима қисми заррин ҳарфлару, рангдор бўлганлиги кишини диққатини ўзига тортади [16].

Мактубларнинг сон жиҳатдан кўпчилик қисмини ташкил этувчи “махсус вакиллар” [8] ҳисоботларида давлатлар ўртасидаги муносабатлар ва мазкур муносабатларга таъсир кўрсатувчи ташқи омиллар [10] қайд этилган. Ушбу хатлар ёзилиши услубига кўра, махсус шакллар (формуляр) ва мурожаатларга асосланган. Мактублар матнини ўрганиш натижасида аморатпаноҳ титули билан битилган мактуб девонбеги, парвоначи, инокқа тегишли эканлигига амин бўлинди. Мактубда вазоратпаноҳ титулининг қўлланилиши - оталиқ, кулли қушбеги каби мансаб эгаларига мактуб мансублигини маълум қилади [9,102].

Мактубларда хонликлар ўртасидаги ёзишмалардан ташқари, минтақада содир бўлаётган воқеа ҳодисаларга оид маълумотлар ҳам ўрин олган. Россия империясининг босқинчилик ҳаракатларини ёритувчи мактубларда Бухоро амири Музаффарнинг давлат бошқарувида ўз амалдорларидан Шукурбий инокга маслаҳат солиб фикр сўраганлиги келтирилган. Унда: “Шукурбий инок: Хива, Қўқон ва Қобулга элчи жўнатиб улардан кўмак сўрашни, русларга берилаётган тангаларни кўмакчи лашкарларга сарф қилиш лозимлиги тўғрисида” сўз юритилган. Мактуб мазмунидан босқинчиликни олдини олиш учун биргалашиб ҳаракат қилишга ундовчи фикрлар берилганлиги маълум бўлади [15].

Архив ҳужжатлари орасида Қўқон хони Султон Саййид Муҳаммадхонинг Хива хони Саййид Муҳаммадхонга йўллаган мактуби учрайди. Русларга қарши ҳарбий ёрдам сўраб ўз элчиларини Рум халифаси юбораётгани, уларни Хоразм ҳудудидан сиҳат-саломат кузатиб қўйишини мурожаат қилиб сўрагани мактуб мазмунидан аён бўлади [16]. Шу мазмундаги мактублар Россия империя қўшинларига қарши курашган Абдумалик тўра фаолиятида ҳам ўз аксини топган [12]. Бухоро амирлиги ҳудудидан чиқиб, аввал Хивада, ундан сўнг Қошғарда

паноҳ топиб, ўзининг ҳарбий ҳаракатларини олиб борганлигини мактуб мазмунидан билиб олиш мумкин. Мазкур хатларнинг аксарият қисмида Россия империяси босқинчилик ҳаракатлари акс эттирилган ва ушбу масалага хонликларнинг муносабатлари билдирилган.

Шунингдек, мактубларда кўшни давлатлар ўртасидаги иммиграция масалалари бўйича қизиқарли маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари, озиқ - овқат масаласи ва унинг ҳисоби бўйича фактик маълумот эътиборни тортади. Унда келтирилишича, “ғалла ва жўхори (бир ботмон оғирликдаги ҳисоб бўйича) 11 танга, буғдой уни 15 танга, беренжи (гуруч) 34 танга, кунжут 40 танга”га баробар” [14] бўлган. Мавжуд маълумотлар ўрта асрлар даври иқтисодий ҳаётини ўзида акс эттирганлиги билан қимматлидир.

4.Хулосалар:

Сўнгги ўрта асрлар даврига оид мактубларнинг миқдор жиҳатдан кўплиги аниқланди. Хон ва турли мансаб эгалари томонидан битилган ўнлаб мактублар тадқиқотимиз доирасига тортилди.

Мактублар хабар етказиш вазифасига кўра: иноятнома, ихлоснома, фатхнома, тахниятномалардан иборат бўлган. Ҳукмдорлардан ҳукмдорга, амалдордан амалдорларга ёзилган хатлар ўрта аср давлатчилиги бошқарувида муҳим ўрин тутганлигини кўрсатади. Хулоса ўрнида, хабар етказувчи ва маълумот беручи мактублар, ўрта асрлар даври тарихини ёритишда хусусан, хонликлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ва сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Аллаева Н. Хива хонлигининг дипломатияси ва савдо алоқалари (XVI – XIX асрлар). Тошкент: Академнашр, 2019. – Б. 33.(Allaeva N. Diplomacy and trade relations of the Khanate of Khiva (XVI - XIX centuries). Tashkent: Akademnashr, 2019. –P. 33.)
2. Аҳмедов Б.А.Ўзбекистон тарихи манбалари. - Тошкент: Ўқитувчи. 2001. - Б – 13-20; Саидкулов Т.С. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихнавислигидан лавҳалар. - Тошкент: Ўқитувчи. 1993. – Б. 3-9. (Ahmedov B.A. History sources of Uzbekistan. - Tashkent: O'qituvchi. 2001. –P. 13-20; Saidkulov T.S. Clips from the historiography of the history of the peoples of Central Asia. - Tashkent: O'qituvchi 1993. –P. 3-9.)
3. Валиева Д. XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро ва Хиванинг ташқи иқтисодий алоқаларига доир (Архив ҳужжатлари асосида) // Шарқшунослик. – Тошкент, 1997. № 8, - Б. 162-169; Тилолов Ш. Амир Ҳайдар мактублари тарихий манба сифатида // Шарқшунослик. – Тошкент, 1997. №8. – Б. 11-18; Ўзбек дипломатияси тарихидан. (тарихий очерк ва лавҳалар) / М.М. Хайруллаев таҳрири остида. - Т.,2003. - 374 б.; Муталов О. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида / Масъул муҳаррир Б.Маннонов. – Тошкент, 2005. – 142 б.; Отахонов Ф. Қўқон ва Хива хонликлари ўртасида 1821 йилда тузилган ҳарбий иттифоқ ва унинг оқибатлари (“Шоҳномаи нусратпаём” маълумотлари таҳлили) // Ўзбекистон тарихи. 2012. № 2. – Б. 24-34; Полвонов Н. Қўқон ва Хива хонликларининг ўзаро элчилик алоқалари тарихига доир (XIX аср) Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, 2017. – Б. 176-188. Мубинов М.А. Из истории внешних отношений Бухарского эмирата (XVIII-XIX века) // ЗНАНИЯ И НАУКА В СУРХАНДАРЬЕ. 2020. № 1. – С. 36-39. Mubinov M.A. From the history of foreign relations of the Emirate of Bukhara (XVIII-XIX centuries) // KNOWLEDGE AND SCIENCE IN SURKHANDARYA. 2020. No. 1. - S. 36-39; Исроилов С. Об отношениях Бухарского эмирата с Кокандским ханством // <https://cyberleninka.ru/article/n/ob-otnosheniyah-buharskogo-emirata-s-kokandskim-hanstvom-1>. - С. 288-295; Аллаева Н. Хива хонлигининг дипломатияси ва савдо алоқалари (XVI – XIX асрлар). Тошкент: Академнашр, 2019. – 496 б.; Sultonova G. Insha' collections in Uzbekistan: a comparative analysis (in the context of the international relations of the Bukhara Khanate) // Proceedings of the XIIth Conference of the European Society for Central Asian Studies. Central Asian: A

- Maturing Field / Editors: A Morrison and S.Saxena. – Cambridge, UK, September 2011. – P.205-217; Ўша муаллиф. Расмий ҳужжатларда Бухоро ва Хива муносабатларининг акс этиши: талқин ва таҳлил // Мерос. № 1. – Тошкент, 2018. – Б. 72-83. Темиров Ф., Холиқова Н. Бухоро амирлигида ташки сийosat ва дипломатиянинг ривожланиши тарихидан // Scientific progress. Volume 2, issue 1, 2021. – Б. 1276-1282. (Valieva D. On the foreign economic relations of Bukhara and Khiva in the first half of the 19th century (based on archive documents) // Oriental Studies. - Tashkent, 1997. No. 8, - B. 162-169; Tilovov Sh. Amir Haydar's letters as a historical source // Oriental studies. - Tashkent, 1997. #8. - B. 11-18; From the history of Uzbek diplomacy. (historical essay and plates) / M.M. Under the editorship of Khairullaev. - T., 2003. - 374 p; Mutalov O. Khiva Khanate under Ollokuli Khan / Editor-in-Chief B. Mannonov. - Tashkent, 2005. - 142 p.; Otakhanov F. The military alliance established in 1821 between the Kokan and Khiva khanates and its consequences ("Shahnomayi nusratpayom" data analysis) // History of Uzbekistan. 2012. No. 2. – B. 24-34; Polvonov N. On the history of diplomatic relations between the Kokan and Khiva khanates (XIX century) from the history of the embassy service in Uzbekistan: interpretation and analysis. A collection of materials of the republican scientific-practical conference. - Tashkent, 2017. - B. 176-188; Mubinov M.A. From the history of foreign relations of the Emirate of Bukhara (XVIII-XIX centuries) // KNOWLEDGE AND SCIENCE IN SURKHANDARYA. 2020. No. 1. - S. 36-39; Isroilov S. On the relations of the Emirate of Bukhara with the Kokand Khanate // <https://cyberleninka.ru/article/n/ob-otnosheniyah-buharskogo-emirata-s-kokandskim-hanstvom-1>. - pp. 288-295; Allaeva N. Diplomacy and trade relations of the Khanate of Khiva (XVI - XIX centuries). Tashkent: Akademnashr, 2019. - 496 p; Sultonova G. Insha' collections in Uzbekistan: a comparative analysis (in the context of the international relations of the Bukhara Khanate) // Proceedings of the XIIth Conference of the European Society for Central Asian Studies. Central Asian: A Maturing Field / Editors: A Morrison and S.Saxena. – Cambridge, UK, September 2011. – P.205-217; That auth.Reflection of relations between Bukhara and Khiva in official documents: interpretation and analysis // Heritage. No. 1. - Tashkent, 2018. - B. 72-83; Temirov F., Kholikova N. From the history of the development of foreign policy and diplomacy in the Bukhara Emirate // Scientific progress. Volume 2, issue 1, 2021. – P. 1276-1282.)
4. Казаков. Б.А Документальные памятники Средней Азии. – Ташкент: Узбекистан, 1987. – С. 56. (Kazakov. B.A Documentary monuments of Central Asia. - Tashkent: Uzbekistan, 1987. - P. 56.)
 5. Кобак И. В Письма как исторический источник: задачи и приемы изучения. // Вестник СПбГУ. Сер. 2. 2012. Вып. 2; Пронштейн А.П., Кияшко В.Я. Вспомогательные исторические дисциплины. Учеб. Пособие для студентов ист. фак-тов пед ин-тов. – Москва, 1973. – 112 с. (Kobak I. V Letters as a historical source: tasks and methods of study. // Bulletin of St. Petersburg State University. Ser. 2. 2012. Issue. 2; Pronstein A.P., Kiyashko V.Ya. Auxiliary historical disciplines. Proc. Allowance for students ist. facts ped in-comrade. - Moscow, 1973. - 112 p.)
 6. Мадраимов А, Фузайлова Г. Манбашунослик. - Тошкент: Фан, 2007. – Б. 8-10, 14 бетлар. (Madraimov A, Fuzailova G. Source studies. - Tashkent: Science, 2007. - Pages 8-10, 14.)
 7. Мактубот, муншаот ва маншурот. ЎзРФА ШИ қўлзмаси, инв. №289; Мактуботи Амир Ҳайдар. ЎзРФА ШИ қўлзмаси, инв. № 292/I; Муншаот ва ёрлиқот. ЎзРФА ШИ қўлзмаси, инв. № 300/III. Муншаот ва ёрлиқот. ЎзРФА ШИ қўлзмаси, инв. № 302/II. (Maktubat, Munsha'at wa Munshurat, IOSRUz, suppl. 289; Maktubati Amir Haydar, IOSRUz, suppl. 292/I: Munsha'at wa Yarliqat, IOSRUz, suppl. 300/III; Munsha'at wa Yarliqat, IOSRUz, suppl. 302/II.)
 8. Махсус вакиллар – ушбу сўз ортида давлат амалдорлари (девонбеги, кушбеги) нинг ишончли вакиллари турган бўлиб, улар ўзга юртдаги хабарларни ватанларига етказиб турган. (Special representatives are the trusted representatives of state officials (devanbegi, qushbegi) behind this word, who conveyed news to their homeland from abroad.)

9. Султонов Ў. “Мусулмон мамлакатлари дипломатикаси” ўқув қўлланма. – Тошкент, Наврўз, 2019. – Б. 94, 97, 102 бетлар. (Sultanov O'. Study guide "Diplomacy of Muslim countries". - Tashkent, Navruz, 2019. - Pages 94, 97, 102.)
10. Ташқи омиллар - Бунда хонликлар алоқаларига таъсир кўрсатган Англия, Россия, Эрон, Афғонистон каби давлатларнинг сиёсий ҳаракатларини келтиришимиз мумкин. (External factors - it is possible to mention the political actions of countries such as England, Russia, Iran, Afghanistan, which affected the relations of the Khanate.)
11. Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА), Хива хонлиги девонхонаси ҳужжатлари, И-125-фонд, 2-рўйхат, 220-244 йиғмажилдлар. (National Archives of Uzbekistan (UzMA), Khiva khanate cabinet documents, fund I-125, list 2, collections 220-244.)
12. ЎзМА, И-125-фонд, 2-рўйхат, 226-йиғмажилд, 1-3-варақлар; 228-йиғмажилд, 1-5-варақлар; 229-йиғмажилд, 1-варақ. (UzMA, fund I-125, list 2, collection 226, P. 1-3; Collection 228, P. 1-5; Collection 229, P. 1)
13. ЎзМА, И-125-фонд, 2-рўйхат, 220-йиғмажилд, 1-24 варақлар. (UzMA, fund I-125, list 2, collection 220, P. 1-24)
14. ЎзМА, И-125-фонд, 2-рўйхат, 220-йиғмажилд, 6-варақ. (UzMA, fund I-125, list 2, collection 220, P.6)
15. ЎзМА, И-125-фонд, 2-рўйхат, 225-йиғмажилд, 18-варақ. (UzMA, fund I-125, list 2, collection 220, P.18)
16. ЎзМА, И-125-фонд, 2-рўйхат, 240-йиғмажилд, 1-3 варақлар. (UzMA, fund I-125, list 2, collection 220, P.1-3)
17. Чехович О.Д. Задачи среднеазиатской дипломатики // Народы Азии и Африки, 1969, № 6, – С. 75-82; Кучина Т. Г. К изучению эволюции эпистолярных источников второй половины XIX — начала XX в. // Актуальные проблемы источниковедения истории СССР, специальных исторических дисциплин и их преподавание в вузах: Тезисы докладов III Всесоюзной конференции (Новороссийск, 1979). Ч. 2. М.: Институт истории, 1979. С. 219–224; Григорьев Л. П. Дополнение к «Монгольской дипломатике» в кн.: Историография и источниковедение стран Азии и Африки. Вып. VI, изд. ЛГУ, 1982, – С.28-52; Казаков. Б.А Документальные памятники Средней Азии. – Ташкент: Узбекистан, 1987. – С 87; Прохоров Е.И. Издание эпистолярного наследия // Вопросы текстологии. М.: Изд-во АН СССР, 1964. Вып.3 С. 6-60; Смирнова Л.Н. Типы и виды изданий эпистолярного наследия // Вопросы текстологии. М.: Изд-во АН СССР, 1964. Вып. 3. С. 182-225. Султонов Ў. “Мусулмон мамлакатлари дипломатикаси” ўқув қўлланма. – Тошкент, Наврўз, 2019. - 188 б. (Chekhovich O.D. Tasks of Central Asian diplomacy // Peoples of Asia and Africa, 1969, No. 6, - С. 75-82; Kuchina T. G. To the study of the evolution of epistolary sources of the second half of the 19th - early 20th centuries. // Actual problems of source studies of the history of the USSR, special historical disciplines and their teaching in universities: Abstracts of the III All-Union Conference (Novorossiysk, 1979). Part 2. M.: Institute of History, 1979. S. 219–224; Grigoriev L.P. Supplement to the "Mongolian diplomacy" in the book: Historiography and source study of Asian and African countries. Issue. VI, ed. Leningrad State University, 1982, - S.28-52; Kazakov. B.A Documentary monuments of Central Asia. - Tashkent: Uzbekistan, 1987. - С 87; Prokhorov E.I. Edition of the epistolary heritage // Questions of textology. M.: Publishing House of the Academy of Sciences of the USSR, 1964. Issue 3, pp. 6-60; Smirnova L.N. Types and types of editions of the epistolary heritage // Questions of textology. M.: Publishing House of the Academy of Sciences of the USSR, 1964. Issue. 3. S. 182-225; Sultanov O'. Study guide "Diplomacy of Muslim countries". - Tashkent, Navroz, 2019. - 188 p.)
18. Эпистолагафия(юн.хат, мактуб, нома) хат, нома шаклида яратилган турли хил асарлар ва ҳужжатлар. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 10 – жилд, Давлат илмий нашриёти, 2005. – Б. 236. (Epistolography- (greek. letter) various works and documents created in the form of letter. National Encyclopedia of Uzbekistan. 10 - volume, State Scientific Publishing House, 2005. – P. 236.)

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000